



ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Вашингтонга амалий ташриф – АҚШ билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янада мустаҳкамлаган ишбилармонлик тадбирлари ҳамда Тинчлик кенгашининг биринчи саммити тафсилотлари билан батафсил танишинг:



@SHMIRZIYOYEV

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqra boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

2026-yil,
21-fevral,
shanba
№24
(5244)

Жаҳон сиёсатида рўй бераётган воқеалар баъзан белгиланган «жадвал» асосида, баъзан эса қутилмаган эврилишлари билан ҳаракат йўналишини буткул ўзгартириб юборади. Дональд Трамп ташаббуси билан илгари сурилган Тинчлик кенгаши ана шундай бурилиш нуқтасига айланаётгандек, назаримда. Кўз ўнгимизда тезкор, қатъий ва «натижага йўналтирилган» механизм шаклланыпти. Унинг диққат марказига Ғазо секторининг қўйилиши рамзий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга: агар янги формат Яқин Шарқ можаросига нуқта қўя олса, мураккаб муаммоларни еча оладиган воситага айланиши мумкин. Ўзбекистоннинг ушбу жараёндаги фаол иштироки тасдиқ эмас. Бу мамлакатимиз илгари сураётган тинчлик ташаббуслари, прагматик ёндашув ва ташқи сиёсатнинг иқтисодий таянчларини мустаҳкамлашга қаратилган узоқ йиллик дипломатик саъй-ҳаракатларнинг мантикий давомидир.

Тинчлик кенгаши:

ДУНЁ ГЕОСИЁСАТИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА



BOARD of PEACE



3 >>>



Андижон вилояти ҳокими Шўхрат Абдурахмоновнинг барча ўринбосарлари қатъий огоҳлантирилди

Қуйидаги QR код орқали батафсил маълумот олинг:





Адлия вазирлиги Акбар Тошқуров: «Педофилия учун умрбод қамок жазоси жорий этилиши режалаштирилмоқда».

Батафсил қуйидаги QR код орқали билиб олинг:



Статистика

ИККИ ЮЗ МИНГ МУРОЖААТ – ИККИ ЮЗ МИНГ ТАҚДИР

1211 рақамли «Ишонч телефони» аёлларнинг ҳақиқий ишонч манзилига айланди

Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га 2020 йилдан 2026 йилнинг шу кунига қадар жами 202 149 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг

асосий қисmini ижтимоий (35,2%), уй-жой (15,6%), ҳуқуқий (13,2%), алимент (6,8%) ва бандлик (7,9%) масалалари ташкил этган. Шунингдек, 3,8% мурожаатда оилавий, 3,2% соғ-

лиқни сақлаш, 3,0% коммунал хизматлар, 2,0% тадбиркорлик, 1,9% кредит ажратиш, 0,9% таълим, 0,8% ер ажратиш ва 3,3% бошқа масалалар акс эттирилган.

1

Бугунги кунга қадар «Ишонч телефони»га йўлланган мурожаатларнинг 201 357 тасининг (99,6%) ижроси таъминланган.

Шундан:
117 368 таси (58,3%) ижобий ҳал этилган;
74 021 тасига (36,8%) тегишли тушунтиришлар берилган;
9 968 таси (4,9%) қонуний асосларга кўра рад этилган;
792 та (0,4%) мурожаатнинг ижроси давом этмоқда.

2

Мурожаатларнинг вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш ҳолати

98 507 таси (48,7%) вазирлик, идора ва ташкилотларга ижросини таъминлаш учун юборилган.

Шундан:
61 128 та (62,3%) мурожаатнинг ижроси ижобий ҳал этилган;
30 081 тасига (30,7%) тушунтиришлар берилган;
6 821 таси (7,0%) қонуний асосларга кўра рад этилган;
476 та (0,5%) мурожаатнинг ижроси давом этмоқда.

3

Ҳокимликлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати

103 642 та (51,3%) мурожаат ҳокимликларга юборилган.

Шундан:
56 240 та (54,4%) мурожаатнинг ижроси ижобий ҳал этилган;
43 940 тасига (42,5%) тушунтиришлар берилган;
3 147 таси (3,1%) қонуний асосларга кўра рад этилган;
315 та (2,7%) мурожаатнинг ижроси давом этмоқда.



Рақамлар сўзлаганда...

ҚИЗИЛ РҲҲАТ билан кимдир шуғулланадими?

Самарқанд вилоятидаги мактаблар
аҳволига бир назар

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 2024-2025 ўқув йили якуни бўйича вилоятда 69 та мактаб «қизил рўйхат»га кирган. Бундан кўриниб турибдики, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ва унинг қўйи бўғинлари оқсатган таълим даргоҳларида ўнганлиши бўлишига бош-қош бўлиши керак эди. Аммо рақамларга кўз ташласангиз, бу масалада сариқ чақалик ҳам иш қилинмагани аёнлашади.

Негаки 2025-2026 ўқув йилида «қизил рўйхат»да қолаётган мактаблар сони **72 ТАГА** етган. Масалан, Ургут туманида бундай мактаблар **12 ТАГА**, Қўшработда **7 ТАГА**, Каттақўрғонда **6 ТАГА**, Нурободда **2 ТАГА** кўпайган.

Демак, ишлар олдинга эмас, орқага кетяпти. Ачинарлиси, вилоятдаги 16 та мактаб узоқ йиллардан буюн «қизил»лик мақомини мерос сифатида сақлаб келмоқда. Биз эса бошқа сўз айтишни лозим топмадик. Ҳаммасини рақамлар сўзлаб турибди. Шундай эмасми?



Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг
сўзни эшитурдин қайтма.

Алишер Навоий

Тадбир

БАРЧА БЎҒИН БИРДЕК ФАОЛ БЎЛСА...

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тармоққа аъзо давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда тизим ташкилотларининг бошланғич касаб уюшмаси кўмиталари раислари учун семинар-тренинг уюштирди.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази» давлат муассасасида бўлиб ўтган тадбирни кенгаш раиси Эшмирза Абдуалимов олиб борди.

– Касаба уюшмаси ҳам инсон танаби каби яхлит тизим, – деди Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Эшмирза Абдуалимов. – Унинг кўйи ва юқори бўғинлари бирдек фаол ишлас экан, ишчи-ходимлар ҳимоясини тўла-тўкис таъминлай олмаимиз. Мақсадимиз ижтимоий шериклар, вазирлик ва идоралар билан юқори, ўрта ва айниқса, кўйи бўғиндаги касба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтиришди.

Семинарда Ҳусан Бегматов ва Шохидда Бегимқулова жамоа келишувларининг мазмун-моҳияти, ижроси, меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, меҳнат муҳофазаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, касба уюшмаларида ҳужжат юритиш мавзуларида чиқиш қилишди. Иштирок-

чиларга яқинда тармоқ бўйлаб ўтказилиши кутилаётган «Ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган бошланғич касаб уюшмаси ташкилоти» танловининг мақсади, шартлари ва босқичлари ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг қатнашчилар Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошланғич касаб уюшмаси фаолияти билан танишишди.

– Агроинспекция тизимида 15 та бошланғич касаб уюшмаси бўлиб, уларга 1710 нафар ишчи-ходим аъзо бўлган, – дейди бошланғич ташкилот раиси Шохжаҳон Жуманов. – 2025 йилда ходимлар фарзандлари учун болалар оромгоҳига 28 та, санаторийларга 37 та йўланма берилди. Ташкилотимизда яхши ишлаган ходимларни 200 фоизгача қўшимча рағбатлантириш тизими жорий этилган. Ёш болали хотин-қизлар доим қўлаб-қувватланади. Юбилей, тўй ва бошқа маросимларда моддий ёрдам бериш, базавий ҳисоблаш миқдоридан эмас, ходимнинг лавозим маоши ко-



эффицентидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу ишчида бериладиган моддий ёрдам миқдорида ижобий таъсир қилади. Келгусида тармоқ келишувларига киритилган ўзгаришларни жамоа шартномасида акс эттиришга ҳаракат қиламиз.

Шундан сўнг семинар қатнашчилари «Ўзгросаноат» инспекцияси ҳузуридаги лаборатория фаолиятини кўздан кечиришди. У ерда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига кириб келаётган импорт уруғлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилаётган уруғ намуналари генетик хусусиятлари, касалликларга чидамлилиги ва ҳосилдорлиги бўйича лаборатория текширувларидан ўтказилиши ҳақида маълумот берилди. Иштирокчилар ташкилотда ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қай даражада йўлга қўйилгани билан ҳам танишишди.

– Жамоамизда меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда, чунки ходимлар кимёвий воситалар билан ишлайди, – дейди ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандиси Отабек Мираҳмедов. – Ҳар куни ходимларга

сут маҳсулотлари берилади. Улар иш бошладан олдин хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалардан ўтадилар. Ҳар ойда бир марта қайта ўқув машғулотлари ташкил этамиз. Унда ходим кимёвий воситалардан заҳарланганда ёки жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдан тортиб, ташкилотда ёнғин келиб чиқса, қандай ҳаракатланишгача бўлган жараёнлар ўргатилади. Иш жойлари замонавий талаблар асосида жиҳозланган бўлиб, шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Шу тариқа ишлаб чиқариш жараёнидаги хавф-хатарларнинг олдини олишга эришмоқдамиз.

Тадбир якунида иштирокчилар семинар назарий ва амалий жиҳатдан фойдали бўлганини, иш фаолиятларидаги айрим муаммоларга ечим топишганини эътироф этишди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Қувончбек ТўРАЕВ
олган сураглар

Ҳуқуқ

МАТЛУБА КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН МИННАТДОР

маҳалласига етиб борганди. Беморга зарур ёрдам кўрсатилгандан сўнг ҳовлида ёриш чироғи йўқлиги, ернинг ўйдим-чуқурлиги туфайли суришиб йиқилди ва оғир жароҳат олди. Шу тариқа бировга шифо улашишга шўшилган фельдшернинг ўзи беморга айланди. Унга белгиланган тартибда касаллик варақаси асосида иш ҳақи ва моддий ёрдам тўланди. Бироқ меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар учун тўланиши лозим бўлган товон пули ажратилиши кечикди. Бу ҳолат Матлуба Пайзиматовага нисбатан Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилишга ундади. Масъуллар-

нинг саъй-ҳаракатлари натижасида суғурта ташкилоти томонидан 24 миллион сўм миқдорида бир маргалик товон пули ажратилди.

Айни вақтда Матлуба Пайзиматова муолажаларни давом эттирмоқда. Жамоадошлари унинг ҳолидан мунтазам хабар олиб, маънавий қўлаб-қувватлаб туришибди. У ҳамкасблари ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатган касба уюшмасидан миннатдор. Энг муҳими, тезроқ соғайиб, яна ўзининг сеvimли ишига қайтиш ниятида.

Обиджон РАҲМАТОВ,
Соғлиқни сақлаш
ҳодимлари касба уюшмаси
Жиззах вилояти кенгаши
меҳнат техник инспектори

Ўқув

Эътиборсизлик, хавфсизлик қондасининг бузилиши оқибатида бир оила тақдири ўзгариб кетиши мумкин. Афсуски, иш жойларида юз бераётган бахтсиз ҳодисалар ортида айнан шундай оддий, олдини олиш мумкин бўлган ҳолатлар ётади. Шу боис меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи бугун фақат ишлаб чиқариш интизоми эмас, балки ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашида ўтказилган навбатдаги семинар-тренинг ана шу мақсадларга хизмат қилди. Унда янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид нормалари атрофлича таҳлил қилинди.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош меҳнат техник инспектори Равшан Наралиев меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи фақат расмий талаб эмас, балки ҳар бир раҳбар ва касба уюшмаси етакчисининг бурчи эканини таъкидлади.

Ўз навбатида, мутахассислар иш берувчилар хавфсиз меҳнат шароитларини яратишлари лозимлиги, иш жойларида хавф-хатарларни баҳолаш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ҳақида аниқ тушунчалар беришди. Давлат меҳнат инспекцияси ва адлия органлари вакиллари амалдаги қонунчилик талаблари, жавобгарлик чоралари ва жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазасини мустаҳкамлаш механизмлари ҳақида маълумотлар тақдим этишди.

– Янги Меҳнат кодексига иш берувчининг масъулияти аниқ ва қатъий белгилаб қўйилди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тўрақўрғон тумани бўлинмаси кенгаши раиси Муҳаммаджон Рустамов. – Энди хавфсиз меҳнат шароитини яратиш шунчаки тавсия эмас, мажбурият. Асосий талаб хавф-хатарларни баҳолаш, ходимларни ўқитиш ва ҳимоя воситалари билан таъминлашдан иборат. Бу жараёнда касба уюшмалари ходимнинг ҳимоячиси сифатида иш жойларида хавфсизлик талаблари бажарилишини назорат қилади. Жамоа шартномалари орқали қўшимча кафолатлар ҳам киритилиши мумкин.

Семинар иштирокчилари – янги сайланган туман кенгашлари ва бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари раислари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Одилжон ЖўРАБОВЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг
Наманган вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича етакчи мутахассиси



ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши таъаббуси билан энг намунали деб топилган 13 нафар касба уюшмаси кўмитаси раиси Туркияга саёҳатга юборилди. Саёҳат давомида Туркиянинг қатор тарихий ва замонавий шаҳарларида бўлиб, мамлакатнинг туризм инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда меҳнаткашларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Маълумки, Истанбулдаги қадимий обидалар нафақат Туркия, балки бутун инсоният цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутди. Минг йиллар давомида Рим, Византия ва Усмонлилар давлатларига пойтахт бўлган ушбу шаҳар турли даврлар маданиятини ўзида мужассам этган. Ундаги энг машҳур обидалардан бири – Ая София масжиди. Илк бор 537 йилда черков сифатида бунёд этилган бу меъморий иншоот бутунги кунда

масжид сифатида фаолият юритмоқда. Унинг улкан гўмбаз ва мозик мозаикалари зиёратчиларни ҳайратга солади. Шунингдек, XVII аср меъморчилигининг бетакрор намунаси бўлмиш Султон Аҳмад масжиди (Кўк масжид) ҳам кишилар эътиборини ўзига торгати. Олтита минораси ва ички қисмидаги кўк рангли керамик нақшлари билан машҳур ушбу бино ҳозирга қадар ибодат ва зиёрат маскани бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлигига!

Хоразм вилояти, Хива туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Марям Юсупова 2023 йил 1 март куни хизмат вазифасини бажараётганида йиқилиб, оғир тан жароҳати олди. Маҳсус текширувда ушбу ҳолат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса, деб баҳоланди. Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси хулосасига мувофиқ, М.Юсуповага II гуруҳ ногиронлиги ва 40 фоиз меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланди.

ЯНА СУДЛАШАМИЗМИ?



Қонунчилик талаблари қўра, бундай ҳолатда иш берувчи зарарни қоплаши, бир йўла ва ойма-ой тўловларни вақтида тўлаши керак эди. Аммо амалда бу талаблар бажарилмади. Оқибатда касба уюшмаси аралашуви билан судга даъво-ариза киритилди.

Боғот туманлараро судининг 2025 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан, жавобгардан Марям Юсупова фойдасига 80 миллион 726 минг 449 сўм миқдорида маблағ ундирилди.

Бироқ, бу масъулларни тегишли хулоса чиқариб олишга ундамади ва уларнинг бефарқлиги туфайли кейинги давр тўловлари яна кечиктирилди. Шу боис Марям Юсупова фойдасига 2024 йил 1 ноябрдан 2025 йил 1 майгача бўлган давр учун асосий зарар ва компенсация ундириш юзасидан яна судга мурожаат қилинди. Суд даъво-аризани қаноатлантирди. Кейин...

Афсус, унинг ижроси таъминланмади. Оқибатда апелляция тартибиде 2024 йил 1 ноябрдан 2025 йил 21 октябргача бўлган давр учун ҳам зарар ва компенсация ундириш масаласи кўтарилди.

Хоразм вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 23 декабрдаги ажримига қўра, Марям Юсупова фойдасига 2024 йил 1 ноябрдан 2025 йил 1 майгача бўлган давр учун 16 миллион 145 минг 286 сўм асосий зарар ва 38 миллион 199 минг 746 сўм компенсация ундириш белгиланди. Ушбу маблағлар Мажбурий ижро бюроси томонидан 2026 йил январь

ойида ундириб берилди.

Ачинарли ҳолат шундаки, масъулларнинг бепарволиги давлат бюджетига зарар етказди. Чунки компенсация мансабдор шахсларнинг чўнтагидан эмас, балки давлат бюджетидан, яъни халқ маблағлари ҳисобидан қопланмоқда. Агар улар тўловларни ўз вақтида амалга оширишганда эди, ортиқча маблағлар сарфланмас ва оворагарчиликлар бўлмасди.

Бу ҳам майли. Ўрганишлар мобайнида Марям Юсуповага тўланиши лозим бўлган ойма-ой тўловлар ва компенсацияларни ҳисоблаш ҳамда уни тўлаш жараёнида Солиқ кодексининг 369-моддаси талабларига ҳам тўлиқ риоя қилинмагани аниқланди. Бунисиға нима дейсиз? 2025 йил 1 майдан кейинги давр учун белгиланган ойма-ой тўловлар-чи? Улар ўз вақтида тўланаптими ёки яна судлашамизми?

Ҳўш, нима учун қонун талаблари ўз вақтида бажарилмаяпти? Қачонгача масъулларнинг бепарволиги оқибатида давлат бюджетига миллионлаб зарар қўради? Ўқитувчи қонуний ҳақини олиши учун қайта-қайта судга мурожаат қилиши адолатданми?

Ушбу саволларга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг вилоят бошқармасидан аниқ жавоб ва амалий чоралар кутиб қоламиз.

Эркинбой БАЙЖАНОВ,
Ўзбекистон касба
уюшмалари
Федерациясининг
Хоразм вилояти
кенгаши меҳнат техник
инспектори

Туризм

Тўпқопи саройида султонлар ҳаёти, давлат бошқаруви тарихи билан танишиш имкони мавжуд. Еребатан ер ости ҳавзаси эса Византия даври муҳандислик санъатининг нодир намунаси сифатида иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундай саёҳатлар касба уюшмаси раислари меҳнатини қадрлаш, уларнинг ишга бўлган иштиёқи ва масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Сафар иштирокчилари таъкидлашганидек, саёҳат нафақат дам олиш, балки маънавий озۇқа, янги ғоя ва куч-қувват манбаи бўлди.

Махсуда МАДАЛИЕВА,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касба
уюшмаси Бўқа тумани
кенгаши раиси

Тинчлик кенгаши: дунё геосиёсатида янги давр бошланмокда

<<< 1

Трамппнинг Тинчлик кенгаши дунё сиёсатчилари орасида турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Бунинг сабабини англаш учун, аввало, Ҳазо тарихига назар ташлаш керак. 1948 йилги араб – исроил уруши ортидан бу ерга – узунлиги 40, эни 6 км.дан 12 км.гача бўлган ҳудудга фалас-тинлик қочқинлар оқиб келди. Натижада демографик зич-лик ҳаддан зиёд ортди ва ҳудуд дунёнинг аҳоли энг зич яшаётган нуқталаридан бирига айланди. 1967 йилги Олти кунлик урушдан сўнг Ҳазо Мисрдан Исроил назоратига ўтди. 1990 йиллардаги «Осло жараёни» Фаластин ўзини ўзи бошқариш тузилмасини шакллантириш умидини берди. Бироқ хавфсизлик, ҳудуд мақоми, қочқинларнинг қайтиш ҳуқуқи ва сиёсий қучларнинг ўзаро тан олмаслиги каби асосий зиддиятлар бартараф этилмади. 2005 йилда Исроил Ҳазодан қўшинлари ва аҳолисини олиб чиқди. Буни кўпчи-лик тинчлик сари ташланган қадам, дея баҳолади. Аммо икки йилдан сўнг ҳокимият ҲАМАС қўлига ўтди. Натижада қамал, ҳаракатланиш чекловлари, иқтисодий бўғиш ва мунтазам ҳарбий кескинликлар даври бошланди.

Шундан бўён Ҳазо фожиалар гирдобида. Ҳаётни изга солиш бир текис кечаётгани йўқ, гоҳида тинчликка умид пайдо бўлади, сўнг яна ҳарбий ҳаракатлар, омон қолишга уриниш ва яна кун кўриш учунгина ярайдиган оғир ва-зият... Инфратузилма вайрон этилади, сўнг яна тикла-нади. Сув таъминоти ва электр тизимлари ташқи омил-ларга қарам. Меҳнат бозори оғир аҳволда. Жамиятда дои-мий беқарорликдан йиғилиб бораётган руҳий чарқоқ эса сиёсий омилга айланган. Ана шундай бир шароитда ҳар қандай «қайта тиклаш» таклифи қурилган биолаарнинг яна вайрон қилинмаслигига ким кафолат беради, хавфсиз-лик ва бошқарув масаласига аниқлик киритилмаган бўлса, қандай қилиб барқарор тинчлик ўрнатиш мумкин, деган ҳақли саволлар туғилиши шубҳасиз.

Аммо Тинчлик кенгаши одатда бир-биридан айри тасаввур қилинадиган сиёсий ирода ва молиявий ре-сурсни бирлаштириш ҳамда янги масъулият қурилмасига боғлашни мақсад қилган. Кенгаш 2025 йил октябр ойда Трамп маъмурияти, Қатар ва Миср мувофиқлаштирилу-вида тузилган сулҳдан сўнг вужудга келган ва мазкур жа-раён ҲАМАСни қуросизлантириш, бошқарув ва хавфсиз-лик механизмларини шакллантириш масалалари муҳо-кама этилаётган иккинчи босқичга ўтган.

АҚШ давлат котиби Марко Рубио Кенгаш йиғилишида айтган гаплар эътиборга лойиқ: «Биз бу масалани тўғри ҳал қилишимиз керак. Ҳазо учун «Б режа» мавжуд эмас. «Б режа» урушга қайта қайтиш демакдир. Бу ердагилардан ҳеч ким буни истамайди. «А режа» – воқеалар ривожининг ягона йўли ва Ҳазони шундай тиклашни назарда тутадикки, у мустақкам ва барқарор тинчликни таъминласин. Унда барча инсонлар ёнма-ён яшай олсин ва яна низо, уруш, азоб-уқубатлар ва вайронагарчилик қайтиши ҳақида хаво-тирга тушмасин...» .

ТРАМП ЭСА ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДА МОЛИЯ-ЛАШТИРИШ ҲАҚИДА ТАПИРАР ЭКАН, УРУШДАН КўРА ТИНЧЛИК АРЗОНГА ТУШИШИНИ ТАЪКИДЛАДИ ВА АҚШ-НИНГ КўШАЁТТАН ҲИССАСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ: «КўШМА ШТАТЛАР 10 МИЛЛИ-АРД ДОЛЛАР ЙўНАЛТИРАДИ... БУ КАТТА-ДЕК КўРИНИШИ МУМКИН, АММО ЖУДА КАМ МАБЛАҒ». ЯЪНИ ВАШИНГТОН ҲАЗО ҲАҚИДАГИ МУЛОҚОТНИ ОХИРИ Йўқ МУ-ЗОКАРАЛАР МАЙДОНИДАН БОШҚАРУВ ЛОЙИҲАСИГА – БЮДЖЕТ, МУДДАТ, НАЗО-РАТ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА «ЭРТАГА НИМА ҚИЛАМИЗ?» ДЕГАН АНИҚ РЕЖАГА КўЧИ-РИШНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА.

Бироқ бундай ёндашувни барча томонлар бирдек қа-бул қилмапти. Айрим давлатлар қарорларни ким қабул қилади, Кенгашнинг мандати нималардан иборат, у БМТ билан рақобатга киришадими, деган саволларга жавоб олишни истайди. Айрим Европа давлатлари эса БМТ роли-нинг сусайиши ва халқаро-ҳуқуқий тамойилларнинг қула-шидан хавотирга тушиб, кенгаш фаолиятидан четда тур-гани ҳам бор гап.

Парадокс шундаки, Трамппнинг ўзи ҳам БМТни леги-тимлаштирувчи қолип сифатида тилга оляпти, ҳамкор-лик зарурлигини таъкидлаяпти. У ҳатто АҚШдан кейин ҳам БМТ кучли бўлиши кераклигини айтаяпти. Буни «эскилик» ва «янгилик» ўртасидаги кескинликни юмша-тишга уриниш сифатида баҳолаш мумкин: Кенгашга ле-гитимлик керак ва унинг энг осон йўли БМТни инкор эт-май, унинг секин ишлайдиган бюрократик механизмла-рини тўлдирувчи оператив тузилма сифатида намоён бўлишдир.

2

Айнан шундай икки кутбли воқелик – прагматик ёнда-шув ва легитимлик ўртасида Ўзбекистоннинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Жаҳон иқтисодий форуми доирасида Давосда ўтказилган тадбир чоғида Тинчлик кенгаши таъсисчилари сафидан жой олди. Мазкур қадам тинчликпарвар дипломатия, кўп томонлама

Гўзал кунлар келишини кутма.
Унга томон бормоғингни унутма.
Жалолиддин Румий

ҳамкорлик, халқаро ҳуқуққа ҳурмат тамойилларига асос-ланган мамлакатимиз ташқи сиёсатининг мантиқий да-воми сифатида талқин этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида қуруқ қўллаб-қувватлаш билан чекланмади, аксинча, аниқ ташаббусни илгари сурди. «Ўз-бекистон ушбу ҳудудда тураржойлар, болалар боғчалари, мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёр», деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, Президентимиз дипломатик жиҳатдан пишиқ яна бир фикрни тилга олди: «Ҳазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таянишни лозим». Дарҳақиқат, агар лойиҳа жамият розилиги ва иштирокига таянмаса, у барқарор бўлмайди. Ўзбекистон ташаббусни қўллаб-қувват-лар экан, бир вақтнинг ўзида унинг ижтимоий легитим-лиги ва узоқ муддатли барқарорлигини ҳам назарда тут-моқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
Тинчлик кенгашининг
биринчи саммитидаги
нутқини мазкур
QR код орқали
тўлиқ ўқинг:



3

Тинчлик кенгашидаги иштирок мамлакатимиз учун бир қатор афзалликлар бериши мумкин. Биринчи-дан, бу Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширади – мамлакат минтақавий кун тартибидан ташқарида ҳам масъулиятли актор сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, мазкур қадам Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлайди. Сўнгги ойларда ушбу мулоқот анча фаоллашган. Учинчидан, тинчлик диплома-тияси Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи до-ирасидаги иқтисодий кун тартиби билан узвий боғлиқ.

Шу тариқа, тинчлик ташаббуси ва инвестицион дипло-матия бир сафар доирасида ўзаро уйғунлади. Замонавий геоиқтисодиёт шароитида барқарорликни қўллаб-қувват-ловчи мамлакат имижы инвестицион ишончини оширади. Демак, Тинчлик кенгашидаги иштирок нафақат сиёсий, балки стратегик иқтисодий капитал ҳамдир.

Албатта, хавф-хатарларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Ҳазо ҳамisha юқори геосиёсий турбулентлик ҳудуди ҳисоб-ланган. Агар ташаббус мураккаб босқичга кирса ёки кели-шувлар бузилса, иштирокчилар масалалга эҳтиёткорроқ ён-дашишга мажбур бўлади. Бироқ Ўзбекистоннинг гумани-тар тикланишга ургу берган ва ички қўллаб-қувватлашни шарт қилиб қўйган позицияси эҳтимолий сиёсий таваккал-чиликларни камайтириши мумкин.

СТРАТЕГИК НУҚТАИ НАЗАРДАН ҚАРА-ГАНДА, КЕНГАШ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИ-РОК МИНТАҚАВИЙ ЭҲТИЁТКОР ҲИЙНЧИ ОБРАЗИДАН ГЛОБАЛ ЖАРАЁНЛАРДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШТИРОК ЭТАДИ-ГАН ДАВЛАТГАЧА БўЛГАН ЎЗБЕК ДИПЛО-МАТИЯСИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛА-НИШИНИ АКС ЭТТИРАДИ. БУ СўНГИЙ ЙИЛЛАРДАГИ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТ-ЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, МУ-ЛОҚОТ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, МАМЛАКАТНИ ТАШАББУСКОР СИФАТИДА КўРСАТИШДЕК ТАШҚИ СИЁСАТ МАН-ТИГИГА ТўЛИҚ МОС КЕЛАДИ.

Шу боис Тинчлик кенгашидаги иштирокни Ўзбекис-тоннинг янги халқаро сиёсатдаги ўрнини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолаш ва узоқ муддатли стратегик ин-вестиция сифатида кўриш зарур.

Давлатимиз раҳбари АҚШга ташрифи давомида қўшма иқтисодий механизмларни ишга тушириш масалалари муҳокама этилган учрашувларда ҳам иштирок этди. Дав-латимиз раҳбари ҳузурида имзоланган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида инвестиция платформасини ташкил этиш тўғри-сидаги битим алмашилди. У лойиҳаларни бир марталик келишувлар орқали эмас, балки тизимли ва тартибга со-линган канал орқали илгари суришга хизмат қилади. Плат-форманинг шаклланиши АҚШнинг Экспорт-импорт банки (Eximbank) ва АҚШ Молиявий ривожланиш корпорация-си (DFC) раҳбарияти билан учрашувларда кўриб чиқилди. Унинг асосий мақсади давлат, ривожланиш институтлари ва хусусий капитал манфаатларини уйғунлаштириш, шу-нингдек, лойиҳаларни ғоядан молиялаштириш ва амалга оширишгача бўлган аниқ траектория бўйича ҳаракатлан-тирувчи доимий институционал мувофиқлашувни яра-тишдир.

Eximbank билан йирик саноат ва инфратузилма лойиҳа-ларини молиялаштиришни кенгайтириш, юқори техноло-гияли ускуналар экспортини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Бу Ўзбекистонда модернизацияни жа-даллаштириш, мураккаб ускуналарни харид қилиш ва янги ишлаб чиқариш линияларини ишга тушириш учун молим-вий инструментларга кириш имконини беради.

DFC эса инвестициявий шериклик, миллий ва минтақа-

вий лойиҳаларда иштирок, молия бозорларини ривожлан-тириш ва энергетика соҳасидаги ташаббуслар каби бошқа форматдаги ҳамкорликни тақлиф қилди. Корпорация бу шерикликни «тарихий» деб атагани ва Транскаспий мин-тақасини дунёнинг «энг стратегик аҳамиятга эга иқтисо-дий коридорларидан бири» сифатида баҳолагани бежиз эмас. Бу таъриф Вашингтон Ўзбекистонни логистика, ре-сурслар ва келажак индустриал харитасидаги марказлар-дан бири сифатида кўраётганини англатади.

Президентимиз Вашингтон шахрига ташрифнинг иш-билармонлик дастури доирасида икки томонлама хужжат-ларни имзолашга бағишланган маросим ва қўшма лойиҳа-лар тақдиротида ҳам иштирок этди.

Тадбирда АҚШ ҳукумати ва молия институтлари вакил-лари – савдо вакили Жеймисон Грир, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, Эксимбанк президенти ва раиси Жон Йованович, АҚШ – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, шунингдек, «Traxys», «Valmont Industries», «Gulf Oil», «Avigen Broiler Breeding Group», «John Deere», «BlackRock Financial Markets Advisory», «Oppenheimer» ва бошқа етакчи компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Шубҳасиз, бу лойиҳалар қўлами нақадар кенг эканидан далолат беради. Бу ерда гап дастлабки ташаббуслар эмас, балки стратегик минераллар занжирини, агротехнологиялар, инфратузилма, нефть маҳсулотлари, молиявий консалтинг ва йирик капитални бирлаштирувчи комплекс ёндашув ҳақида бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида ёнилғи қуйиш шохобча-ларни тармоғини қуриш, ёмғирлатиб сўғориш технология-ларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини ривожлантириш ҳамда инве-стиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама хуж-жатлар имзоланди.

Алоҳида эътиборга молик масала Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигидир. АҚШ савдо вакили Жеймисон Грир билан учрашувда аъзолик жараёнини якун-лаш бўйича ҳамкорлик ва АҚШ томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз учун бу стратегик босқич ҳисобланади. ЖСТ инвестиция жозибадорлиги, бозорларга кенгроқ кириш имконияти ва қоидалар интизоми орқали иқтисодиётни шериклар учун янада прогностлаштириладиган қилиш демакдир.

Президентимиз Грирни июнь ойда бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумига таклиф этди. Бу ҳам жуда муҳим: муносабатлар бир марталик ташрифлар даражасида қолмаслиги, балки доимий иқтисодий келген-дарь ва институционал алоқаларга айланиши керак.

Сиёсий мулоқотнинг оммавий томони ҳам айрим ҳол-ларда расмий баёнотлардан кўра кўпроқ нарсани англа-тади. Трамп Тинчлик кенгашида Шавкат Мирзиёевни дўст-тин деб атади. У Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохот-ларни юқори баҳолаб, республика «тўғри йўналишда ҳаракатланаётганини» қайд этди. Ташқи аудитори учун бу Вашингтон Ўзбекистонни ишонли шерик сифатида қабул қилаётгани, инвесторлар учун эса сиёсий «шамсия» мав-жудлигини англатади.

Энди муҳим жиҳат – Ҳазо масаласи билан инвестиция кун тартибини қандай уйғунлаштириш керак? Агар стра-тегик нуқтаи назардан қаралса, боғлиқлик аниқ, Ўзбекис-тоннинг тинчликпарвар фаоллиги ва иқтисодий модер-низацияси бир йўналишининг икки томонидир. Президен-тимиз Ўзбекистонни халқаро майдонда инсонпарварлик ташаббуслари ва конструктив дипломатия, иқтисодиётда эса очиклик, ислохотлар ва инфратузилмавий лойиҳалар орқали фойдали ҳамда самарали давлат сифатидаги ими-жини оширмоқда.

4

Бугунги геосиёсий шароитда муносабатлар фақат сиё-сатга боғланиб қолмаган. Улар таъминот занжир-лари, ресурслар, технологиялар ва транспорт йўлак-лари бошқаруви билан ҳам боғлиқ. Шу маънода, тинчлик ташаббуслари ва инвестиция платформалари барқарорлик орқали тараққиёт ва тараққиёт орқали барқарорликни ил-гари сураётган улкан стратегиянинг муҳим унсурларидир.

Ушбу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг Тинчлик кенгашидаги иштироки учта асосий устуниликни беради.

Биринчиси – дипломатик устунилик. Инқирозларни ҳал қилишда намуна бўлиши мумкин бўлган янги кўп томон-лама тузилмада иштирок этиш Ўзбекистоннинг «ўрта куч» сифатидаги нуфузини мустаҳкамлайди. Бу мамлакатимиз-нинг прагматик воситачи ва масъулиятли иштирокчи си-фатидаги бўбўсини янада оширади.

Иккинчиси – репутацион устунилик. Гуманитар кун тартибига амалий ҳисса қўшиш мамлакатимиз мавқеини мустаҳкамлайди, Ўзбекистон нафақат инвестиция қабул қилинадиган, балки халқаро ҳамжиҳатлик намоён этадиган давлат сифатида намоён бўлади.

Учинчиси – иқтисодий устунилик. АҚШ билан мулоқот-нинг фаоллашуви йирик лойиҳалар ривожланиш инсти-тутлари ва сиёсий қўллаб-қувватлаш билан бирга бориш эҳтимолини оширади. Бу эса хавф-хатарларни камайти-ради ва амалга ошириш жараёнини тезлаштиради.

Албатта, Тинчлик кенгаши атрофидаги савол ва шубҳа-ларни инкор этиб бўлмайди. Мандат масаласи, қарорлар-нинг ҳуқуқий табиати, БМТ билан янги орган ўртасидаги мувозанат, «таъсир учун бадал» каби молиявий моделлар шулар жумласидан. Аммо шунинг унутмаслик керакки, Тинч-лик кенгаши тажрибавий формат бўлиб, ишончни мус-таҳкамлаш учун аниқ қоидалар, шаффофлик ва прогноз қи-

линадиган тартиб-таомилларга эҳтиёж сезади. Энг яхши вазиятда у глобал институтларни тўлдирувчи механизм си-фатида халқаро ҳуқуқ ва гуманитар стандартлар билан уй-гун ишлайдиган «операцион штаб»га айланиши керак.

Кенгаш фаолияти самарали бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо уни бошқарувга оид хавф-хатарлар сирасига кири-тиш тўғрироқ бўлади.

Биринчи хавф-хатар – хавфсизлик. Барқарор назорат ва демилитаризация модели бўлмаса, ҳар қандай қайта қу-риш ташаббуси доимий хавф остида қолади, донорлар эса иккиланишни бошлайди.

Иккинчи хавф-хатар – аҳоли ишончи. Агар ташқи бош-қарув маҳаллий легитимликка таянмаса ва «ёт механизм» сифатида қабул қилинса, қаршилик ички парокандаликка олиб келиши мумкин.

Учинчи хавф-хатар – сиёсий кутблашув. Агар Кенгаш муайян давлат воситаси сифатида қабул қилинса, айрим мамлакатлар иштирокдан тийилади ва форматнинг уни-версаллиги пасадади.

Бироқ уларни сиёсий тафаккур ва институционал инти-зом орқали ҳал этиш мумкин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг позицияси стра-тегик жиҳатдан аниқ ва ҳисоб-қитобларга асосланганини кўриш мумкин. Шавкат Мирзиёев Дональд Трампнинг сиё-сий иродаси ва прагматизмига юқори баҳо берар экан, Ҳазо масаласига аҳолининг қўллаб-қувватлаши, томонлар ўрта-сида мувофиқлашув, ижтимоий инфратузилмани тиклаш каби «барқарорлик шартлари»ни ҳам киритди. Унинг «Биз Янги Ҳазони – иқтисодиёти фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур» деган сўзлари баландиаровоз давлатлардан йироқ. Бу – дав-латчилик тили. Чунки тинчлик – доимий жараён. Жараён эса оддий одамлар ҳаётидан бошланади.

Кенгашга аъзо давлатлар етакчиларининг фикрлари ҳам умумий муҳитни англашга ёрдам беради. Туркия пре-зиденти Ражаб Таййип Эрдоғон Ҳазони «инсоният виждони учун синов» деб атади ва ўт очишни тўхтатишни доимий тинчликка айлантириш зарурлигини таъкидлади. Тоқавв эса «барқарор иқтисодий ривожланиш орқали тинчлик» концепциясини илгари сурад экан, ташаббусни «натижага қаратилган амалий платформа» дея баҳолади.

Хуллас, Кенгашнинг биринчи йиғилиши арафасида турли фикрлар янграган бўлса-да, ҳулоса битта: иқтисодий пойдеворсиз тинчлик узоққа чўзилмайди. Шу ўринда мо-дернизация ислохотлари тажрибаси, инфратузилма лойи-ҳаларини амалга ошириш амалиёти ва қарама-қаршилиқ-сиз, прагматик тилда мулоқот қила олиш қобилиятига эга Ўзбекистоннинг нуфузи янада ошади.

5

Бир неча қадам илгарига назар ташласак, Тинчлик кен-гаши ва Ўзбекистон ролининг учта эҳтимолий нати-жасини тахмин қилиш мумкин. Энг муваффақиятли яқунда Кенгаш оператив кўп томонлама платформа сифа-тида мустаҳкамланади: шаффоф молиялаштириш меха-низмлари ишлайди, стабилизация қучларининг мандати аниқ белгиланади, хавфсизлик босқичи-босқич мўъта-диллашади, уй-жой, мактаб, шифохона ва базавий инфра-тузилма бўйича лойиҳалар ишга тушади. Бу ҳолатда Ўзе-бекистон нафақат муҳокамалар иштирокчиси, балки амалий ҳисса қўшадиган давлат сифатида ўз ўрнини мустаҳкам-лайди. Бу эса халқаро нуфузни оширади, АҚШ ва бошқа минтақавий акторлар билан шерикликни кучайтиради.

Ўртача ҳолатда эса Кенгаш чекланган натижаларга эри-шади: гуманитар дастурлар ишлайди, аммо хавфсизлик ва сиёсий масалалар тўлиқ ҳал этилмайди. Лойиҳалар секин амалга ошади. Бунда Ўзбекистон конструктив иштирокчи сифатида қолади, лекин геосиёсий дивидендлари кекла-нади. Шунга қарамай, мамлакатимиз халқаро жараёнларда масъулиятли актор сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлайди.

Кенгаш фаолияти самара бермаса, сиёсий ихтилофлар кучаяди, мандат ва легитимлик атрофидаги баҳслар Кен-гаш фаолиятини секинлаштиради, хавфсизлик муаммо-лари қайта бош кўтарadi. Бироқ ҳатто бундай шароитда ҳам Ўзбекистон учун асосий вазифа халқаро ҳуқуққа та-ян-иш, ички легитимликни талаб қилиш ва гуманитар йўна-лишда амалий ёрдамни давом эттириш бўлиб қолаверади.

ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ҲАМ БИТТА ҲАҚИҚАТ ЎЗГАРМАЙДИ: ТИНЧЛИК ТА-ШАББУСИ НАФАҚАТ СИЁСИЙ ИРОДА, БАЛКИ ИНСТИТУТЛАР, ИҚТИСОД ВА ЖА-МИЯТ ИШОНЧИ БИЛАН МУСТАҲКАМ-ЛАНАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПОЗИЦИЯСИ АЙНАН ШУ НУҚТАДА СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН ЖУДА ТўҒРИ. ЯЪНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТА-ШАББУСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАР ЭКАН, УНИ БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛАДИ.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлатимиз раҳбарининг Вашингтонга ташрифи муҳим аҳамият касб этади. Чунки у Ўзбекистон жаҳон сиёсатига амалий фойдали таклифлар билан қириб келаётганини кўрсатди. Бир ташриф доира-сида Ҳазо бўйича янги мулоқот майдонидаги иштирок, ин-вестиция механизмларини ишга тушириш, савдо, Жаҳон савдо ташкилоти, стратегик минераллар, энергетика, аграр сектор ва молия бозори бўйича музокаралар жой олди. Бу ташқи сиёсатнинг протокол дипломатиясидан амалий лойиҳалар дипломатиясига айланганининг нодир намунасидир. Халқаро ҳамжамият инқирозларни бошқа-ришининг янги шаклларини излаётган бир паллада мам-лакатимиз ўз тинчликпарвар имижини мустаҳкамлаш ва АҚШ билан шериклик орқали иқтисодий модернизацияни тезлаштириш имконидан фойдаланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, дунё тинчлик ҳақидаги ку-руқ гаплардан чарчади. Шу боис «камроқ сўзу кўпроқ амал» ваъда қилган форматлар, ҳатто турли саволлар тудирса ҳам, имконият дея баҳоланади. Шу боис Ўз-бекистон каби давлатлар олдинги қаторларга чиқ-моқда: уларда империявий даъволар йўқ, аммо ахлоқ ва прагматикани уйғунлаштирган ечимлар таклиф қилиш салоҳияти бор. Шу маънода Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашидаги иштироки ўз атрофида барқа-рор макон яратиш, инвестициялар оқимини ошириш, мамлакат ичидagi ислохотлар ва тинчликпарвар сиё-сат олиб боришдек узоқ муддатли йўналишининг бир қисми десак, янглишмаймиз.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



Азим Суюн ҳақида гап кетганда шиддатли, ҳайқирикли, қадимий туркий оҳангларга бой шеърлар муаллифи кўз олдимизда гавдаланади. Пайариқ туманининг шимолий нуқта-сида жойлашган Накуртда азим шоирнинг ёшлиги ўтган.

У билан илк бор 1960 йили қишлоғидаги мактабда танишган эдим. Уни синфдошлари Азимбой деб қақиришарди. Ҳаракатчан, барваста гавдали, қошлари чимирилган, тез мулоқотга киришиб кетадиган, зуваласи пишиқ йиғит билан бир йил бирга ўқидик. Сўнг бизнинг оиламиз туман марказига кўчди. Шу сабабли дўстона алоқамиз бирмунча вақт узилди. Накуртга борган пайтларим учрашардик, холос. Ўша пайтларда у кечинмалари билан ўртоқлашар, газеталарда босилган шеърларини ўқиб берарди.

1968 йили Азим ТошДУнинг журналистика факультетига, мен фалсафа бўлимига ҳужжат топширдим. Азим мандатдан ўта олмагач, Самарқандга қайтди. Пайариқда Маданият уйининг бадийи ишлар инструктори сифатида ишга киргач, бизнинг уйда яшай бошлади. Таътилда уйга борганимда, унинг янги ёзган шеърларини муҳокама қилардик, университет ҳаёти ҳақида гапи-

риб берардим. У ўша йиллари Расул Ҳамзатовнинг «Гулистон» журналида эълон қилинган «Менинг Доғистоним» асаридан парчаларни ўқиб, шоир ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қиларди. Абдулла Ориповнинг «Гулистон»да босилган «Юзма-юз» шеърий достони куйидаги сатрлар билан бошланарди:

**Қани, ҳей дўстларим, келинг бир нафас,
Сўзлашиб олайлик очик, юзма-юз.**

Шеърни Азим охиригача бор овоз билан ўқиб, ҳаяжонланганча «Қанийди менинг шеърларимни ҳам халқ шундай ўқиса!» деди. Унга далда бериб, «Ҳали сиз ёзган шеърлар қўлма-қўл бўлади. Изланишдан, интилишдан тўхтамасангиз, бас, керак бўлса, куйга солиб кўшиқ ҳам қилишади», дедим.

– Ростданми, шеърларимни қўшиқчилар қуйлашади? Абдулла Орипов, Эркин

**Икки кишидан яширма дардинг:
Бири табиб эрур, бири – ҳамдардинг.**

Фаридиддин Аттор

ЁЗИЛМАГАН АСАРЛАРИ БИСЁР ЭДИ

Воҳидов, Расул Ҳамзатовдай бўламанми? – деди энтиқиб.

– Ҳа, – дедим, – сиз улар билан ёнма-ён туриб мушоиралар қиласиз. Фақат бу машаққатли йўлдан сира ортга чекинманг!

– Йўқ, мен ҳечам шеър ёзишдан чекинмайман. Бундан ҳам ҳузурли иш борми дунёда?

Шундай қилиб, Азим ота-онамга қарашиб, Маданият уйида ишлаб юрди. Унга таниқли жамоат арбоби Зиёдулла Нурматов ва Абдумурод Исматов сингари шоирлар маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатишди. Шоиртабиат падали бузрукворим Омонхон эшонбобо ҳам унинг биринчи устози сифатида руҳини кўтариб, далда берган.

Ахён-ахёнда Азим билан хат ёзишиб турардик. У пайтлар ҳали интернет, электрон почта, телеграм йўқ эди. Унинг ёши бизлардан каттароқ бўлгани сабабли 1969 йили ҳарбий хизматга жўнатилди. Қозоғистоннинг Бойкўнғир ҳарбий қисмида хизмат қилган даврида ҳам хат орқали хабарлашиб турдик. У армияда бошидан кечирган ҳиссиётлари, ўй-хаёллари, ўзини ҳайратлантирган ва таъвишга солган кечинмалари билан ўртоқлашарди. Адабиёт, санъат ва тарихий қадриятлар ҳақида бахшлашардик. Бу хатларнинг айримларини таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ёзган «АЗИМ СУЮН: шахсияти ва ижодий қиёфасига чизгилар» номли китобда ўқишингиз мумкин. Бундан ташқари, бу хатлар Азимнинг «Нигоҳ»

номли тўпламидан ҳам жой олган.

Азим Суюн элига, миллатига ва Ватанига содиқ эди. У халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини халқчил тилда қуйларди. Шеърлари халқнинг ҳикматли сўзлари, мақоллари ва ибораларига бой. Улардан қадимги туркий халқларнинг нафаси уфуриб туради. «Накурт қишлоғи» номли шеърида шундай ёзади:

**Ложувард уфқда менинг ўйим бор,
Бир ўйки, ўйларим ойдин, сараси.
Шу уфқ тагида менинг ўйим бор,
Нурота тоғларин у ер ораси.**

**Унинг осмонида бургут қанотин
Шиддати ҳавони қалқитар тинмай.
Чексиз кенгликларга бўз муҳаббатин
Чўпон тили билан изҳор этар най.**


Азимнинг иборалари жайдари халқ тилидан олинган бўлиб, тингловчи қалбига осонгина сингади. У ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг Тошкентга келиб, журналистика факультетига яна ҳужжат топширди. Бу сафар тўплаган баллари ва ҳарбий хизматдан қайтганлиги сиртки бўлимга ўқишга киришига етарли асос бўлди. Бирмунча вақт ўтгач, ўқишини сиртқидан кечки бўлимга кўчирди. Қундузи Ғафур Ғулом номидаги наприётнинг ҳўжалик ишлари бўлимида ишлай бошлади.

Азим ҳамма жойда бор овоз билан ўқишни ёқтирадиган шеърлари халқи-

мизнинг миллий ғурури, шаъни ва ориятини қўзғовчи, тарихий хотирани уйғотувчи қудратга эга бўлиб, эл оғзига тушди. Таниқли хонандалар қуйга солишди. Ўзи ҳаммаша ҳавас қилган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби атоқли шоирлар билан ёнма-ён ижод қилди. Унинг ҳали ёзилмаган достонлари ва шеърлари, ўзи кашф қилган жанр – қайирмалари жуда-жуда кўп эди...

Афсуски, бе-шафқат ўлим халқимизнинг ардоқли ва севимли шоирини 2020 йил 9 мартда орамиздан юлиб кетди...

Бахтиёр ТўРАЕВ,
фалсафа
фанлари доктори,
профессор



Нилуфар опа ўша куни кундалик юмушлар билан банд эди, телефони жиринглаганида бу ҳаётидаги энг қиммат сабоққа айланишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Нариги томондаги овоз ўзини банк ходими сифатида таништириб, унинг картасида шубҳали операция кузатилганини билдирди. Пулларини «ҳимоя қилиш» учун телефонга келадиган кодни айтишини сўради. Нилуфар опа шубҳаланмади, чунки унинг наздида мурожаат расмий эди. Телефонга СМС келди-ю, кодни «банк ходими»га жўнатди. Шу билан йиллаб картага йиғилган маблағ ғойиб бўлди.

«ШОШИЛИНГ»ГА БИРОЗ ШОШМАНГ! ёхуд қўлсиз, оёқсиз эшик очаётганлар

Бугунги кибержиноят айнан шу нуқтадан бошланади. Фирибгарлар эшик қоқмайди, девор ошмайди, қулф бузмайди, зўравонлик қилмайди. Улар одамнинг уйига эмас, онгига қиради. Ўзини ёрдам бераётгандек кўрсатади. Шунинг учун бу турдаги жиноят энг хавфлиси ҳисобланади, чунки у но-зик жойдан – инсон ишончини суиистеъмол қилишдан бошланади. Ички ишлар вазирлиги тарқатган огоҳлантиришларда айнан шу усул орқали содир этилаётган фирибгарлик ҳолатлари кескин ортиб бораётгани, жиноятчилар фуқароларнинг ишонувчанлигидан асосий восита сифатида фойдаланишаётгани алоҳида қайд этилган.

Таҳлилларга кўра, кўплаб ҳолатларда жабрланувчилар карта рақамини, унинг амал қилиш мuddaтини ва СМС орқали келган махфий кодни ўзлари айтиб беришган. Чунки жиноятчи ўзини банк ходими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили, тўлов тизими мутахассиси ёки турли акция ва танлов ташкилотчиси сифатида таништириб, онгда ишонч уйғота олган. Ваҳоланки, расмий тартибга кўра, банк ходими ҳеч қачон миқоздан СМС код сўрамайди ва карта маълумотларини телефон орқали талаб қилмайди. Агар шундай талаб бўлса, бу фирибгарликнинг аққол белгиси эканини англашимиз лозим.

Биргина Бухоро вилоятида буттур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига кибержиноятлар бўйича

4830 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг таҳлили эса киберхавф барча қатламларга бирдек дахлдор эканини кўрсатмоқда. Арз қилганларнинг 20,95 фоизини яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ташкил этган. Бу энг катта улуш. Демак, мустақил даромад топаётган, кўпинча рақамли тўловлардан фойдаланадиган аҳоли қатлами асосий нишонга айланмоқда.

16,21 фоиз мурожаат вақтинча ишсизлар, 11,9 фоиз бола парвариси билан банд аёллар ҳиссасига тўғри келади. 9,89 фоиз нафақадагилар, 9,33 фоиз талабалар, 8,3 фоиз МЧЖ ходимлари ва тадбиркорлар, 7,24 фоиз ўқитувчи ва мактаб хизматчилари, 5,69 фоиз тиббиёт ходимларидир. Бу рақамлардан хулоса қилиш мумкинки, кибержиноят муайян соҳанинг эмас, бутун жамиятнинг жиддий муаммосига айланган.

Мурожаатчилар орасида нефть-газ соҳаси ва саноат корхоналари, боғча, банк тизими, темирйўл, ҳатто адлия, ҳарбий хизматчи, почта, электр тармоқлари, иссиқлик манбалари, ҳокимият ва давқуллода вазиятлар тизими ходимлари ҳам бор. Бу шундан далolat берадики, фирибгар учун касб, лавозим ёки мақом аҳамиятли эмас.

Кибержиноятчилар инсон психологиясини чуқур ўрганган. Улар одам қўрқанида тез қарор қабул қилишни, шошилганда маълумотни текшириб олишни, ҳаяжонланганида таҳлил қилиш қобилияти па-

сайишини яхши билишади. Шунинг учун суҳбат давомида «Картагиз блокланмоқда», «Ҳозир пул ечиб олишмоқда», «Шошилинг!» каби иборалар ишлатилади. Ана шу бир неча сониялик шошилиш қимматга тушади.

Ижтимоий тармоқлар фирибгарликнинг асосий майдонига айланиб улгурди. Сохта акциялар, ёлгон ютуқлар, арзон кредит ваъдалари, инвестиция таклифлари ортида шахсий маълумотларни қўлга киритиш схемалари яширинган. Номатълум ҳаволага кириш орқали карта маълумотларини автоматик ўғри-лаш технологияси эса хавфни янада кучайтирмоқда. Ахборот асрида жиноят ҳам рақамли тус олди.

Шунингдек, Telegram, Instagram ва Facebook каби платформалардаги сохта саҳифалар, акциялар ва ютуқлар орқали фуқароларнинг шахсий маълумотлари қўлга киритилмоқда. «Совға ютиб олдингиз», «Кредит чиқариб берамиз», «Паспорт маълумотингизни юборинг» каби таклифлар ортида молиявий фирибгарлик схемалари ётгани айни ҳақиқат. Номатълум ҳаводалар орқали кириш карта маълумотларини автоматик тарзда қўлга киритиш имконини яратади.

Бу жиноят турида нишонга олинаётганлар тасодифий эмас. Одатда ишонувчан, оддий, пок ниятли инсонлар осонгина «курбон»га айланадилар. Чунки уларнинг ёмонлик кутмай, расмий овозга ишониши фирибгар учун жуда қулай вазиятдир.

Энг хавфли жиҳати шундаки, жабрланувчилар орасида пенсионер, нафақахўр, талаба, тадбиркор ва профессорлар ҳам бор. Демак, масала билимсизликда эмас, хушёрликда. Шу нуқтаи назардан қараганда, кибержиноятга қарши кураш фақат техник воситалар билан эмас, аҳолининг ҳуқуқий ва ахборот маданиятини ошириш билан ҳам самарали бўлади. СМС кодни ҳеч кимга айтмаслик, карта маълумотларини телефон орқали бермаслик, номатълум ҳаводаларга кирмаслик, ўзини банк ходими деб таништирган шахсга ишонмаслик, шошилиш талабларга нисбатан шубҳа билан қараш каби оддий қоидалар катта молиявий йўқотишларнинг олдини олади.

Нилуфар опанинг ҳикояси бир инсоннинг фожиаси бўлиши мумкин, аммо у жамият учун жиддий огоҳлантиришдир. Бу даврда энг ишончли ҳимоя – хушёрлик, энг кучли қалқон эса шубҳадир.

Дилдора ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»

Огоҳлик

АЗИМ СУЮН АНДИЗ ЎСГАН ЕРЛАРДА


Андиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмағай,
Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмағай.
Қайси юртда чинакам ботир эрса йиғитлар,
Ўша юртнинг эллари ёвларга қул бўлмағай.

От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирар,
Боғ кўрмаган боғ кўрса, пайхон қилар, сўлдирар.
Хушёр бўлгил, жон элим, элдай сақла элингни,
Ёвларингга қул берсанг паймонангни тўлдирар.

Бош кесилса, ёронлар, сочга мотам тутилмас,
Қон қусилса, ёронлар, ичга сувдек ютилмас.
Қай бир миллат тупроғин топар экан маккор ёв,
Ўзлигин билганларнинг бахти асло бутунмас!

Арғумоқларга мининг, ғолиб қилич ёр бўлсин!
Бу дунёда ҳар кимнинг ўз Ватани бор бўлсин!

**Қуйидаги
QR код орқали
шоирнинг ўзи
ўқиган шеърни
тингланг:**



**Марокли
дам олинг,
азиз газетхон!**

**Нуриддин
Ҳамроқулов
ижросида**

**«АНДИЗ ЎСГАН
ЕРЛАРДА»
қўшиғи**

**Ушбу
QR код орқали
қўшиқни
тингланг:**



MUASSIS:



**2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:**

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:50

Topshirildi – 23:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning

seshanba,

payshanba va

shanba

kunlari chiqadi.

Gazeta

«Ishonch»ning

kompyuter markazida

terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan

sifati chop etilishiga

bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib

berilishi uchun obunani

rasmiylashtirgan

tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta

Shundan: 6 701 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 426 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-211**

1 2 3 4 5 6